



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

**Кунлар илиб, табиат уйғона бошлаган шундай паллаларда одам ҳам кўнглида янгиликни сезди, яшнатишга эҳтиёж сезди. Уйини, маҳалласини, юртини обод этиб, эзгу ишлар қилгиси келади.**

## Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига тупдан кўчат

Халқимиз азалдан баҳорни деҳқончилик айёми сифатида қадрлаган. Шу кунларга эсон-омон етганига шукроналар айтиб, ерга уруғ қадаган. Ниҳол экиб, боғ яратган. Буни қандайдир мажбурият остида ёки фойда илинжида эмас, балки савоб умидида, қалб амри билан бажарган.

Ота-боболаримиз кўчат экиш инсонга нафақат ҳаётида, балки кейин ҳам савоб етказиб турадиган эзгу амал эканлигини таъкидлайди. Яхшидан боғ қолади, деган мақол ҳам кўчат экиш фазилатини ургўлайди.

Яна бир эзгу аънамизга кўра, халқимиз фарзанд туғилганда унга атаб терак эккан. Фарзанд буй этиб, уй қурганда шу тераклар ишлатилган.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу каби қадимий аънава ва қадриятларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиди. Ободлик кўнглидан бошланади, деган ҳикматли сўзлар халқимиз орасида кенг тарқалиб, эзгу давлатга айланди. Одамлар ўз уйи, ўз юртини гўзал ва обод қилиб, бундан мамнун бўлиб яшамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, янги деҳқончилик маъсумининг бошланиши, яшариш ва янгиликни, кўт-барақа, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда хашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, хашарлар ташкил этмоқда. Маҳалла ва тураржойлар орасталаниб, ариқ-зовурлар тозаланиб, табаррук қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилмоқда. Кўча ва хиёбонларга манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилаётган.

Кўчат экиш ободликнинг энг муҳим омилларидан. Зеро, дарахт бор жойда гўзаллик, мусоффо ҳаво, ризқ-рўз бўлади. Хонадондаги файзу барақа янада ортиқ, саломатлик мустаҳкамланади. Дарахтларга — меҳнатнинг самарасига боқиб, кўз қувнайди, дил яйрайди.

Атрофда янгиликни сезилаётган айна дамларда кўчат экиб, боғ яратишнинг гапти ўзгача. Кўчат экиш баҳонасида йиғилган дўстлар, кўни-кўшиларнинг дилтортар суҳбатлари ҳазил-мутойибалари кишига хуш кайфият бағишлайди. Ота-оналарига кўмаклашишга уринган болакайларнинг шодлиги ичига сиймайди. Одамларнинг уюшқонлигини кўрган ёш авлод шу юртнинг бахтли фарзанди эканини янада чуқурроқ ҳис этади. Негаки, бундай ҳаётбахш одатларимиз замирида халқимизга хос бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар мужассам.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг қутлуг 25 йиллигини нишонлаймиз. Президентимиз таъкидлаганидек, янги тарихимизнинг энг ёрқин саҳифасини ташкил этадиган ана шу буюк санага ҳар томонлама муносиб ва салмоқли ҳисса қўшиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун улкан шарафдир.

Бу сўзлар шу юртда яшаётган, шу юртни яхши кўрган ҳар бир инсонга ўзгача ғурур, гайрат-шижоат бағишлайди. Мазкур қутлуг санани барча жаҳонларда хайрли амаллар билан қутиб олишга ундайди. Шундай хосиятли йил бошида яхши ният қилиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига атаб 25 тупдан кўчат экайлик. Бу Ватанимиз ободлигига ўзига хос ҳисса, бугунги тарихий даврдан эсдалик бўлади.

Бу ташаббус самарасида барпо бўлган боғлар, чаманзорлар, гулзорлар халқимизнинг порлоқ истикболи, юртимизнинг ободлиги тимсоли сифатида ҳамиша гуркираб, гуллаб-ғашнаб турсин. Мамлакатимиз каби тез ривожланиб, фарзандларимиз билан бирга камолга етсин. Йилдзи бақувват дарахтларга айланиб, мустақиллигимиздек абадий бўлсин!

Наврўз — 2016

*Умидаҳон фарзандлари териб келган жағ-жағ, исмалоқ, ялпиздан бир тандир сомса ёнди. Ҳовлини кўк сомсанинг ҳиди тутди. Келини 91 баҳорни қарши олган Тўйчибой отанинг олдига тандирдан энди узилган, буғи чиқиб турган сомсадан кўйди. Отанинг юраги баҳорий таомнинг бетакрор ифорида ҳақиқат кетди, кўзлари қувончдан ёшланди.*



## Пок ниятлар ижобати

— Оғзимиз кўкка етганига шукр, — дуо қилди отахон. — Эл-юртимиз тиң бўлсин, омонлик бўлсин.

...Хали киш охирига етмай Раққон қирлари яшилликка буркана бошлади. Борлиқни офтоб тафти қиздиради. Бу ҳароратдан замин уйғонади, ўт-ўлан бош кўтаради.

Ана шундай кезларда каттаю кичик таби-

ат кучоғига, далага ошиқади. Баҳор — яшариш, гўзаллик фасли. Шунга монанд атрофборлиқ уйғонмоқда. Бўртиб қолган куртаклар кўз очмоқда. Тилла тангалар ҳар тарафга сочилган момақаймоқ, ариқ лабида буй чўзган ялпиз ифори, шўх шабаданнинг майин шивири дилни энтиқтиради. Бу барчамиз интиқиб кутадиган, қалбларга шод-

монлик, сурур бағишловчи ардоқли айём — Наврўзи оламдан дарак.

Президентимизнинг 2016 йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида жойларда эзгу ишлар бошлаб юборилди.

Наврўз — кун билан тун тенглашадиган,

гинаю қудуратлар унутилиб, қалбларда ёруғ умидлар ниш урадиган айём. Миллий қадриятларимиз ёрқин акс этадиган энг қадимий ва сеvimли байрамимиздир. Мазна-мазмун ва фалсафаси билан ҳаётимизга сингиб кетган Наврўз яшариш ва янгиликни палласидир.

»(4).

Бунёдкорлик

## Корхонада спорт майдони

**"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти қошида мини-футбол ва волейбол ўйинлари учун мўлжалланган замонавий спорт майдони қурилиб, ишчи-ходимлар ихтиёрига топширилди.**

Очилиш маросимида «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси раиси А.Абдуллаев мазкур объект меҳнаткашларни жисмоний машғулотларга янада кенг жалб этиш, саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутганини таъкидлаб, ин-

шоотни бунёд этишда қатнашган ходимларни эсдалик совғалари билан тақдирлади.

— Корхонамизда 162 нафар хотин-қиз меҳнат қилади, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Санжарбек Қодиров. — Ишдан бўш вақтларида

спорт билан шуғулланишлари учун қўлай имкониятлар бор. Мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Соғлом она ва бола йилда аёлларга янада кенг шароитлар яратишни режалаштирганмиз.

Айни кунларда корхонанинг фойдаланилмаётган ҳудудидида катта теннис корти ҳамда баскетбол майдони барпо этиш ҳаракатлари бошланган.

Нурилло НУЪМОНОВ,  
«Ishonch» мухбири

Бандлик

## Бўш иш ўринлари ярмаркаси



**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан Тошкент ахборот технологиялари университетида "Алоқа, ахборотлаштириш соҳасида бўш иш ўринлари" ярмаркаси ташкил этилди.**

Ярмаркада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи 100 та корхона ва муассасалар, шунингдек, давлат органлари

мавжуд иш ўринлари билан қатнашди.

Бу йил Тошкент ахборот технологиялари университети, унинг ҳудудий филиаллари, соҳага бириктирилган 72 та академик лицей ва касб-хунар коллежларини 26 минг нафар ёш турли мутахассисликлар бўйича тамомлайди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилган "Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тизим учун малакали кадрларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ушбу ярмаркада соҳам бўйича "Uztelekom" телекоммуникация транспорт тармоғи филиали тақлиф этаётган бўш иш ўринлари билан яқиндан танишимиз ва маълумотларга эга бўлдим. Тақлиф этилаётган иш менга маъқул бўлди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети 4-босқич талабаси Санжар Каримқулов.

— "Ўзметкомбинат" АЖ юртимиздаги энг йирик корхоналардан саналади. Шунинг учун корхонамизда ёш мутахассисларга талаб катта, — дейди "Ўзметкомбинат" АЖ кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари Фаррух Абдуғаниев. — Бугунги ярмаркада муҳандислик-дастурловчи штатига ёш кадрларни тақлиф этаёلمиз. Бу иш ўрнига ёшлар томонидан қизиқиш катта бўлмоқда. Уларга керакли таъсияларни беряёмиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Муаллиф олган сурат

Давра суҳбати

**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги ййгилишида Президентимиз жамоатчилик эътиборини муҳим масалалар қатори қиз болаларни ҳар томонлама етук ва соғлом қилиб тарбиялаш борасидаги амалий ишларга қаратиб шундай деди: «...қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлгуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодини дунёга келтириб, воғна етказадиган наслимиз давомчиларини кўраёмиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур».**

## Соғлом она ва бола — мамлакатимиз таянчи



Дарҳақиқат, қизлар халқимизнинг умид чироғи. Улар — миллатнинг юзи — бўлажак она, рафиқа, опа-сингил. Шу боис уч қизига гўзал тарбия берган, яхши жойга узатган киши жаннатга дахлдор, дейилади Ҳадиси шарифда. Қиз боланинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уни атроф муҳитдаги салбий таъсирлардан асраб-авайлаш ўта муҳим масала эканлигини англаш мушкул эмас.

Хўш, Президентимиз маърузалари ва «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда? Ўсмир қизларимиз — бўлгуси оналар, оила бекаларининг саломатлиги, маънавияти, оила қуришга тайёргарлиги қандай? Ёш оналар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган қиёбис гамхўрликларни қалбан ҳис қилишяптими? Олис қишлоқларда уларга қандай тиббий хизмат кўрсатиляпти? Коллежни тугатмай, бирор касбнинг этагини тутиб улгурмаган қизини турмушга узатиш пайида бўлган ота-оналар билан жамоатчилик вакиллари олиб бораётган тушунтириш ишлари ўз натижасини бераёптими? Ҳаёт оstonасидан ийманибгина қадам ташлаб, миллионлар сафига қўшилаётган қизлар меҳнати, иқтидори ва хунари қўллаб-қувватланаяптими?

Бугун биз бу борада амалга оширилаётган хайрли ишлар ва муаммолар ҳусусида республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган шифокорлар, маҳалла фаоллари, устоз-ўқитувчи мураббийлар, кўпни кўрган нурунийлар, хуллас, кенг жамоатчилик вакиллари милоқотга чорладик. Зеро, эзгулик томон илк қадамлар ҳамжиҳатликда ташланади.

»(2-3).



**Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар**

>> 2



**Бўлай десангиз бардам**  
«Сихаттоҳ»да олинг дам

>> 4

# БУГУННИНГ НАФАСИ

# Соғлом она ва бола

## Ўқув-семинар

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорликда “Халқаро меҳнат стандартларини татиб этиш, миллий қонунчиликда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шартларини яратиш” мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

## Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар

Унда Республика кенгаши ходимлари, вазирликнинг маърузачилари, вилоят бошқармалари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими муdiri М.Исаев сўзга чиқиб, Халқаро меҳнат ташкилоти, унинг ташкил топши тарихи, қабул қилинган Конвенциялари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялар, уларнинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб ўтди.

Меҳнат муҳофазаси тадбирларининг тўлиқ амалга оширилиши, ходимларга хавфсиз меҳнат шартларини яратиш, тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида назарда тутилган меҳнат муносабатлари, уларнинг ҳуқуқий асослари, иш беворувчи ва касаб ва уюшма ташкилотининг вазифалари, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларининг шартлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими**

## Манфаатлар ҳимояси

Фермерлик фаолиятини энди бошлаётган қишлоқ ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари ташкил этишнинг афзаллигини тарғиб этиш, уларда фаолият кўрсатаётган ишчиларнинг қўнмиллигини таъминлаш давр талабидир. Шунга кўра, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, тизимда меҳнат муҳофазасини янада такомиллаштириш мақсадида жойларда ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан Хўжайли туманида уюштирилган тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди. Шунингдек, фермер хўжалиқларида муносиб ва хавфсиз меҳнат шартларини яратиш мавзусидаги маърузалар тингилди. Унда соҳага оид ишлар, меҳнаткашлар манфаатини ҳар

томонлама ҳимоя қилиш бораберида, айрим муаммолар ечимига доир тадбирлар бораберида фикрлар билдирилди.

Тадбир очик ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Муротбой БЕКЕНОВ, АСМ ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси**

## Жамоа шартномаси — амалда

Иштихон туман Бахрин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежиде жамоа шартномаси ижроси муҳокамасига бағишланган йилги бўлиб ўтди. Унда маъмурият ва касаб ва уюшма кўмитаси томонидан амалга оширилган ишларга ҳолис баҳо берилиб, ечимини кутайтган масалаларга тегишли муносабат билдирилди.

## Масъуллик изланишга ундайди

Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда ходимларга муносиб меҳнат шартлари яратиш, саломатлигини мухтафамлаш борасида бир мунча илгарилар юз берди. Ходимлар ва улар оила-сини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, жисмонан чиниқишига имконият яратилди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ёши улуг ўқитувчилар рағбатлангилди. Шунингдек, жамоада меҳнат қилаётган 42 нафар аёлга алоҳида имтиёзлар татиб этила бошланди. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган

туркум тадбирлар уюштирилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг ўқувчи фарзандларига имкон даражасида кўмак кўрсатиб келинмоқда. Муҳокама чоғида Ойдин Зокиров, Искандар Рустамов ва бошқалар жамоа шартномаси таъсир доирасини янада кенгайтириш, маъмурият ва касаб ва уюшма ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Насимжон ШИРИНОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаб ва уюшмаси Иштихон туман кенгаши раиси**

## Анжуман

## Соҳа истиқболларига бағишланди

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуннинг агентликдаги ижроси ҳамда соҳа истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда агентликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан бевосита ишлаш мақсадида 13 турдаги интерактив хизмат, жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ўлчаш воситаларини қиёслаш учун ариза қабул қилиш, стандарт намуналарини, ўлчашларни бажариш услубиётларини метрологик аттестация қилиш ва бошқа турдаги хизматлар йўлга қўйилгани таъкидланди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор, Бектемир, Юнусобод ва Сергели туманларидаги Метрология хизматлари кўрсатиш маркази филиаллари газ, сув ва электр энергия хисоблагичларини қиёслашда аҳолига қулайлик яратиш келаяпти. Вилоятларнинг чекка туманларида ҳам саккизта филиал ва ўн бешта мобил кўчма лаборатория фаолият юритмоқда. Агентликда газ ва электр

ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисида низоми ишлаб чиқилди. Намунавий ўлчов воситалари паркин модернизациялаш, техник ва технология янгилаш мақсадида етмишдан зиёд намунавий ўлчов воситалари харид қилинди. Натижада, метрология хизматларидан фойдаланиш учун виллоятлардан бўлаётган мувожаатлар кескин камайди. Бундан ташқари, стандартлаштириш соҳасидаги тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритилиши туфайли ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш муддатлари 15 кундан 10 кунгача, рўйхатдан ўтказиш эса уч кунга қисқарди.

Тадбирда жорий йилда амалга оширилиши мўжжаланаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» муҳбири**

**№(1). Амина ҚАЛАНДАРОВА, Нукус «Она ва бола» скрининг маркази раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси:**

— Миллат генофондини мустаҳкамлашга қаратилган «Соғлом она — соғлом бола» концепциясига кўра кенг қўлланма чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилди. Тиббиётимизда янги тизим — замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солинди. Республика скрининг маркази ва унинг виллоятлардаги филиалларида перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги тумма хасталиқларни аниқлаш, ирсий ва тумма хасталиқ билан туғилган беморларга ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатишмоқда. Бу она ва бола саломатлигини асраш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Қолаверса, юртимизда дунёда биринчилардан бўлиб, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш учун поливитаминови бепул етказиб бериш амалиёти йўлга қўйилди. Уни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузани йодлаш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайди. Шунингдек, республикамиздаги энг яхши сиҳаттоҳлар қошида оналар ва болалар бўлимлари иш бошлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидланганидек: «Соғлом бола соғлом ва ахил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади». Оиланинг мустаҳкамлиги эса қатор омиллар, жумладан, она ва боланинг саломатлигига боғлиқ. Воҳамизда оила курашига тайёргарлик кўраётган йигит-қизларимизнинг соғлом бўлишини таъминлаш бораберида умидимиз гуллари бўлган чақалоқларнинг соғ-саломат дунёга келиши учун кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти. Ҳар йили 38 мингдан кўпроқ чақалоқ туғиладиган Оролбўйи шаҳар ва туманларида ҳомилалар аёллар тизимли равишда ултратовуш текширувидан ўтказилаётир. Марказимизда, болаларда ирсий касалликлар натижасида келиб чиқадиган ақлий заифликнинг олдини олиш ва ҳомиланинг тумма ривожланиш нуқсонини билан дунёга келишини аниқлаш мақсадида скрининг текшируви амалга оширилди. Утган йилда 18 минг нафардан кўпроқ ҳомилалар аёл ултратовуш ва 1932 нафар аёл биохимёвий, 19200 чақалоқ тумма гипотиреоз ва фенилкетонурияга қарши неонатал скрининг текширувидан ўтказилди.

Тумма гипотиреоз билан касалланган болаларга «L – Тироксин – 100» препаратини, фенилкетонурия касалигига чалинган чақалоқлар учун махсус озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Скрининг марказимиз энг замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланаётир.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилган мақсадида тадбирлар ташкил этиляпти. Маҳаллаларда 219 та тадбир, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юрталарида 305 та семинар-тренинглр ўтказиш бораберида маҳаллий радио ва телевидение, газета ва журналларда чиқишлар уюштирилмоқда. Натижада, ирсий ва тумма нуқсонлар билан туғиладиган чақалоқлар сони 1998 йилга нисбатан 1,8 бароварга камайди.

Истардимки, «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш гоя нафақат шифокор мутахассисларнинг, балки ҳар бир юртошимиз калбида чўқур кириб бориб, ана шу улуг ишга муносиб ҳисса қўиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айлансин.

**МУХБИР: — Турли гоявий таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилишда ҳеч қайси куч таълим-тарбия тизимидек таъсирчан қуд-**

*ратга ва имкониятга эга эмас. Айниқса, бўлажақ оналар — қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-хунарга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.*

**Азизбек МАМАТОВ, Андижон туманидаги Оқёр саноат касб-хунар коллежи директори:**

— Коллежимизда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 311 нафари қизлардир. Уларнинг пухта билим ва касб-хунар эгаллашини таъминлаш билан бирга оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Бунда «Ораста қизлар» клуби фаолиятининг йўлга қўйилганлигини таъкидлаш зарур. Қизларни оилавий турмушга ҳар томонлама тайёрлаш, эрта турмуш қуришининг салбий оқибатларини тушунтириш, уларнинг жамиятда фаол бўлишига кўмаклашиш клубнинг асосий вазифаси.

Туман кўп тармоқли марказий полилинккасининг Оқёр бўлинимаси шифокорлари Одинахон Мусаева, Нилуфар Норалиева, ФХДЭ мудираси Мухтасархон Тўраева, маҳалла маслаҳатчилари, кўпни кўрган онахонлар билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Машгулотларнинг асосий қисми турмушга руҳан тайёргарлик қўриш, келинлик, фарзалик, оналик вазифалари, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, фарзанд тарбиясидаги жиҳатлар каби мавзуларга қаратилятганилиги, энг муҳими, машгулотларга оналарнинг ҳам таъкиф этиляётгани босиб барвақт никоҳнинг олдини олиш борасида ижобий томонга силжиш ўз берди.

Қизлар маънавияти, саломатлиги биз учун ниҳоятда муҳим масала ҳисобланади. Муассасамиз қошида бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси Маъмураҳон Жалилова, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Манзураҳон Ҳабибуллоева бошчилигида «Аёллар ва қизлар маслаҳатхонаси» фаолияти йўлга қўйилган. Кундалик турмушда учраши мумкин бўлган муаммолар, қизларни ўйлантираётган ёки қизиқтирган саволларга оқилона ечим топишда бу ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Қизларнинг соғлом камолга етиши, қадди қомади тўғри ривожланишида спортнинг ўрни муҳим эканлиги тарғибот-ташвиқот тадбирларининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Спортнинг олти тури бўйича фаолият кўрсатаётган тўғарақларнинг қарийб барчасида қизлар ҳам қатнашмоқда. Айниқса, волейбол ва баскетбол бўйича жамоаларимиз виллоят миқёсидаги турли беллашувларда етакчилигини кўлдан бермай келишмоқда.

**МУХБИР: — Дарҳақиқат, қизларни болалигидан спортга жалб этиш соғлом турмуш тарзини яхшилашда муҳим омил ҳисобланади.**

**Нигора ХЎЖАМУРОДОВА, Термиз Олимпия захиралари коллежи, Таэквандо WTF мураббийи:**

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йилгилишида келтирилган фактларни, маълумотларни шунчаки қабул қилиш мумкин эмас. Бу бизда фахр туйғусини уйғотиш билан юртга спорт соҳасида эришилган кўпроқ қўишига даъват этади.

Мамлакатимиз жануби бўлган Сурхон воҳаси спортчилари кўлга киритаётган ютуқлар, ўйлайманки, кўрсатиляётган гамхўрликларга муносиб жавобдир. Мисол учун, Ситора Ҳамидова жорий йилда Бразилияда бўлиб ўтадиган XXXI Олимпия спорт ўйинларида енгил атлетика турининг марафон (югуриш) мусобақалари бўйича юртимиз шаънини ҳимоя қилди. Унинг издошлари — кураш бўйича 2015 йилда Ўзбекистон чемпиони Шохиста Назарова, енгил атлетиканинг марафон (югуриш) мусобақаларида Ўзбекистон чемпиони Озода Ибрагимова, таэквандо WTF бўйича Ўзбекистон чемпиони Робия Каримохунованинг ҳам ниятлари улуг. Уларнинг сафи-

га гуркираб ўнлаб ўсмир қизлар кириб келаяпти.

Кейинги пайтда, қизлар ўртасида спортнинг таэквандо WTF тури билан шуғулланишга қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки бу спорт тури, энг аввало, Олимпия ўйинларининг тури бўлиб ҳисобланади. Яна бир жиҳати шуки, спортнинг бу турида танана жароҳат етказилмайди. Ҳимоя воситалари, яъни шлем, протектор, шингалка, оғиз қапоги, сенсер носкилар билан муҳофазаланади. Мухими, бу спорт мусобақаларида фақат оёқ жанги бўлиб, яқка холда курашилади.

Дарҳақиқат, соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг роли катта. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардан бири бу — жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектилари қуриш ва мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуна ва анжумлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан таъминлашдир.

Назаримда, спорт тўғарақларига болаларни янада кўпроқ жалб этиш яқшиликка янада кенгроқ йўл очиб, ўсмирларнинг бўш вақтларига асосан бағишлайди.

Спортга меҳр ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётига чўқур кириб боришига эришиш биз мураббийларнинг энг муҳим, доимий вазифамиз бўлиши керак.

**МУХБИР: — «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида турмуш кураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий қуриқдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари масъулиятини янада кучайтириш, шу асосда тумма ва ирсий касалликлар сонини камайитириш, полилинккаларни замонавий ташхис қўиш ускуналари билан жиҳозлаш, қўрсатиляётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий қуриқдан ўтишининг муҳимлигини тушунтириш мақсадида кенг қўлланма тарғибот ишларини амалга ошириш**

қўйган ҳар бир ўғил-қиз организмда ўзига хос ўзгаришлар кузатилади. Айниқса, ташқи қўриқнинг ўзгариши қиз боланинг руҳиятига ҳам таъсир қилишини ҳамда ёдда тутмоқ лозим. Бу паллада оналар фарзанди билан яқиндан сирдош бўлиши, унга бундай ҳолатларда нима қилиш зарурлигини ўргатиши даркор.

Эндокрин хасталиқлар, анемия (камқонлик), жинсий аъзоларда турли ялғиланишлар келгусида жиддий касалликларни юзага келтириши мумкин. Ўсмир ёшидаги қиз бола организмда гормонал бузилишлар рўй бериши ҳайз қуриш давриддан бошланади.

Гормонал бузилишлар ўз навбатида организм учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Унутмаслик керакки, гормонал балансини меъёрга келтириш билан бир қанча касалликларнинг олдини олиш ҳам мумкин.

Бугунги кунда ёш қизларимиз учун мунтазам равишда тиббий қуриқлар ташкил қилинаётганлиги, қизлар гинекологиясининг йўлга қўйилганлиги бежиз эмас. Қизларимиз ўз соғлиқларига эътиборли бўлган ҳолда, шахсий гигиена, соғлом овқатланиш қондаларига риоя қилишлари, тиббий билимларини мустаҳкамлаб боришлари лозим. Бу уларнинг эртага соғлом она бўлиб, соғлом фарзандларини вояга етказишларида муҳим рол ўйнайди.

**МУХБИР: — Қай бир ҳолатни таҳлил қилмайлик, охири-оқибат масъулият яна оилага, ота-онага қилиб тушади. Оиласини тинч, онаси ақли қизининг руҳий, жисмоний ҳаётида муаммолар жуда кам бўлади. Шу боис, оила тутиш, қиз ўстириш ҳам бир санъатдир. Менимча, бу борада ота-оналар билан янада кўпроқ иши олиб боришни даврнинг ўзи тақозо қилаяпти.**

## Нигора ҚУТЛИМУРОДОВА:

— Республикаимизда ёшларнинг турмуш қуриши учун «Оила кодекси»га асосан эркаклар учун 20 ёш, қизлар учун 18 ёш белгиланган. Лекин қизларимиз 18 ёшга тўлишлари билан турмуш қуришга шоямилмаганлари маъқул. Аввал касб-хунар эгалласалар, илм олсалар, жами-



қўзда тутилган. Бу борада кўпроқ нимага қўиш бўлади, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Нигора ҚУТЛИМУРОДОВА, Хоразм виллоят «Ҳамдард» аёллар маркази раҳбари:**

— Маълумки, вояга етган ҳар бир қиз муносиб умр йўлдошини топиш илинжида бўлади. Ота-оналар ҳам яхши кўвб излашга тушиб қоладилар. Аммо, бу жараёнда кўпчилигимиз бирёқлама фикрлигимиз. Кўвб бўлимининг насаби, иқтисодий аҳоли, нечанчи фарзанд эканлигини обдан сўраб-суриштирмайиз-у, саломатлиги кўрсаткичлари билан у қадар қизиқвермайимиз.

Аслида, бўлажақ умр йўлдошининг саломатлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз ва бу тўғилажақ фарзандлар соғлигига ҳам катта таъсир қилишини ёддан чиқармаслигимиз керак. Марказимиз томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳандлик, ОИВ инфекциясини тарқалишининг олдини олиш масалаларида давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилинмоқда. Маҳаллаларга, хонадонларга ташрифлар уюштирилмоқда.

Шундай суҳбатлардан бирида қизларни оилага тайёрлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш масалалари таҳлил қилинди. Қизларни оилага тайёрлаш асноси уларнинг касб-хунар эгаллаши, пазандачилик сирларидан воқиф бўлиши, муомала маданияти, тежамкорлик, дунёқарашининг кенглигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Узим гинеколог шифокор бўлганим боис, давраларда қизлар саломатлиги, уларда кечадиган жараёнлар ҳақида кўп гапирман. Айнан қизлик даврида бўлажақ она шаклланади.

Болаликдан ўсмирлик томон қадам

ятда ўз ўрнини топишга интилсалар, бу уларнинг эртага ажойиб оила бекаси бўлишига хизмат қилади.

Қолаверса, қиз болалар 18 ёшга ҳомилалар бўлиши мумкин эмас, чунки унинг танаси бу пайтда она бўлишга тайёр эмас.

Маълумки, Вазирлик Маҳкамаси қарори билан 2003 йил 25 августда тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қуриқдан ўтказиш тўғрисида Низом» асосида никоҳланувчи шахслар ФХДЭ бўлимига ариза берганларидан сўнг, қўидаги касалликлар — руҳий, сил, жинсий йўл орқали юқадиган касаллик ҳамда ОИВ/ОИТС ҳамда гиёҳандликнинг аниқлаш учун текширувлардан ўтадилар.

Тиббий қуриқдан ўтгандан кейин, никоҳ тузилишига тўсиқ бўлмаган тақдирда, ФХДЭ идоралари томонидан никоҳни қайд этиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**МУХБИР: — Бевақт қайд этилган никоҳ оиланинг таназзулига сабаб бўлади. Қолаверса, қизнинг вояга етмай оила қуриши жисмоний-руҳий майибликни келтириб чиқаради. Халқимизда етти ўлчаб бир кес ёки кенгашли тўй тарқамас, деган ҳикматлар бор. Никоҳ ва жамият поклиги никоҳнинг ўз вақтида бўлишига боғлиқ.**

**Хуршида КАЮМОВА, Бухоро туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Шергисон» қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт вақти:**

— Худудимизда «Саломатлик сектори» фаолият кўрсатмоқда. Бу борада биз маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Жойларда аҳоли, оналар, гўдаклар, болалар ва ўсмирлар парварishi ўрганиб борилади. Хонадон аёллари ва қизлари билан суҳбатлар ўтказилади. Лозим бўлганда уларга соғлом оила камолотида оид маслаҳатлар берилади. Мавжуд камчиликларни барт-



У:А суратлари

# мамлакатимиз таянчи



раф этишда кўмаклашилади. Маҳалла фаоллари билан тузилган иш режасига кўра сешанба — ҳомилдорлар, чоршанба — болалар ва ўсимирлар, жума — аёллар ва қизлар, шанба — ўқув муассасалари кунини деб белгиланган. Бу борада олиб бораётган ҳаракатларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, фертил ёшидаги аёлларда камқонлик, болаларда эса буюқ касалликларни кескин қамайдиганлиги кузатилади.

Айтиш жоизки, ҚВПМизда «Антро дастур» (0-5 ёшгача бўлган болаларни ривожлантириш мониторингини олиб бориш) ни ҳам йўлга қўйганмиз. Бунда 530 нафар 0-5 ёшгача бўлган барча болалар дастурга киритилган. 1 ёшгача бўлган болалар ҳар ойда, 2-3 ёшгача бўлганлар ҳар 3 ойда, 4-5 ёшларда ҳар 6 ойда антропометрик ўлчовлар ва ҳаракатланганини ёшига нисбатан мослиги таҳлил қилиб борилади. Таҳлиллар натижасида болалардаги ёшга нисбатан тана вазнининг қандайдиги оқибати, бўйнинг пастлиги эрта аниқланиб, даволаш чоралари кўрилади.

Хозиргача мактабгача таълим муассасасида мавжуд 86 нафар тарбияланувчинини чуқур тиббий кўриқдан ўтказдик. Бундай тадбир мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам бошлаб юборилди.

### МУХБИР: — Мустақиллик шарофати билан бугун юртимизнинг олис кишлоқларида ҳам энг чиройли биноларда иш юритаётган ҚВПларнинг замонавий, сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини кўриб, ҳатто хорижий меҳмонлар қойил қолишмоқда. ҚВП иш фаолиятида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш ва аҳоли ўртасида профилактика ишларини ўтказиш масалалари тўлалигича камраб олинган.

### Хуршида КАЮМОВА:

— Тўғри таъкидлашнинг, бизнинг ҳудудимиз аҳолиси ҳам мамлакатимизда инсон саломатлиги йўлида кўрсатилаётган гаммуриликлардан баҳраманд бўлган ҳолда эртанги кунга ишонч билан яшамоқда. Оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг саломатлигини муҳофиза қилиш, айниқса, она ва бола соғлигини назорат қилиш учун бизда барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. 2012 йилда фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пунктимиз айни пайтда замон талабларига тўла жавоб беради.

ҚВПМиз ҳудудига 9 та кишлоқ, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси ва ўнлаб кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари жойлашган. 5200 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 1341 нафарини фертил ёшидаги аёллар, 126 нафар 1 ёшгача бўлган болалар, 1286 нафар 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Аҳолининг саломатлиги йўлида уч нафар умумий амалиёт врач ва 15 нафар ҳамшира намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилиб келяпмиз.

Ҳудудимизда 58 нафар ҳомилдор аёл бўлиб, улар витрум перенатал поливитамин комплекси билан тўлиқ бепул таъминланган. Натижада, ҳомилдорнинг ногирон ёки нуқсонли туғилиши кузатилмапти. Исталмаган ҳомилдорликнинг олдини олиш мақсадида аёллар ўртасида контрацептив воситалар тўғрисида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Таъкидлаш жоизки, туғилган болаларни муздатида 3 йилдан қараб бўлишга аёл соғлигининг тикланишига, туғилган боланинг жисмоний ва маънавий ўсишига ҳамда кейинги ҳомилдорнинг соғлом ривожланишига имкон яратлади.

МУХБИР: — Аёлсиз ҳаёт — шуъласиз чирок, деган гап бор халқимизда. Демак, оила мустақамлиги ҳар унинг аёл билан мунавар бўлишидир. Истиклол унга аёлнинг оналигини қадрлади, аёз чексиз рағбат, катта ишонч, улкан умидлар берди.

### Норхон РАҲМАТОВА, касаб аюшма фахрийси, Тоёқ тумани

— «Унта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиги» дея қувонадиган болажон халқимиз фарзандни ўзига қанот деб билади. Биз ҳам бир замонлар онамизнинг умиди — бола эдик. Ох, у болалик... Эласам йилгагим келди. Элас-элас қайвони момонни, ҳаловат нелигини билмасдан ўтган онамни эслаймиз...

Урушдан кўнжги суруни йиллар. Онам шўрлик солхоз деган умумий қозонда қайнади. Биз болалар унинг дийдорини камдан-кам кўрардик. Тун қоронғусида юзлари сўлгин, озиб-тўзиб кетган онамизнинг уйга кириб келиши биз учун бир байрам эди. Тонгда энтиқиб уйғонганимизда онамиз далага кетган бўларди. Эсимни таниганимдан жамоа хўжалиги шарафига, бригада шарафига деган пурвиқор гоғлар учун биз ҳам қўлга кетмон ушлаганмиз. Жўяларда, эгатларда боласини йўрқақлаган, норасида гўдагига ризик насиба топиш учун силласи куриган не-не оналарни кўрмадик ахир...

Қанчадан-қанча оналар қўсақ чубиб, боласига эртак айтиб эрталарга айлиб кетишди. Мен эса...кишлоқимиздаги ўқимаш жазм этган санокли қизлардан бири эдим. Айнан қишлоқ хўжалиги соҳасида ўқидим. Ўқишни тамомлаб бригадир, ҳосилот, хўжалик раҳбари лавозимига меҳнат қилдим. Давр ҳеч маҳал аёлни аяб ўтирмасди. Бугун соҳимга қиров инган буви сифатида қўрган-кечирганларимдан сўзласам, набираларим эртатка йўйишди.

МУХБИР: — Мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган она шундай оғир вази- туфайли 2000 йилда ҳар 100 миң бо- ланинг 6 мингта яқини ўткир респираторли вирусли инфекцияларга, 576 таси пневмония, 449 таси бронхит, 310 таси сколиоз касаллигига чалинган эди-да.

— Мустақилликнинг ҳар бир кунини асрларга тенг маъмулга эга. Бугун ҳар бир она, ҳар бир бола жамият, эр ардоғида. Бу бахтни ёшларимиз ҳис қилиб, қадамни катта ташлаб яшаши керак.

Фарзандларимизнинг биздан кўра бахтли ҳаёт кечираётгани, қўлини қаерга узатса етишини кўришининг ўзи беки- ёс бахт. Авлодларимизнинг қамолини кўриш бизни ҳеч қачон қартайтмайди. Беш нафар набирам бор. Коллеж, мактабдан ҳар кунини бир янгилик топиб келишарди. Набираларимга яратилган шайит, улар яшаётган даврга шўрона келтираман.

МУХБИР: — Ҳар бир ўзбек хонадо- нинда қадимдан амал қилиб келинаётган ўзига хос қадриятлар мавжуд. Оиладаги соғлом муҳит — эр-хотиннинг бир-бири- га садоқати, фарзандларнинг қамолли- ги, қолаверса, оила катталари, айниқ- са, қайноналарнинг донолигига боғлиқ.

— Хонадоннинг бало-қазодан асров- чи посбони ҳам, тadbиркори ҳам, лозим бўлса, табибу хабобин ҳам аёл. Негаки, болалар кўпинча онаси бағрида бўлади. Эрак кўчанинг одами. Шунинг учун ҳам онамизнинг сири аёл билан. Қайнона эса онамизнинг вазири. Унинг донолиги, тadbиркорлиги, фаҳм-фаросатига қараб оилага баҳо берилади. Қайнона қайна- маса, келинлар айнимайди. Оилавий занжаллар, келин ва қайнона муроса- нислиги оиладаги соғлом муҳитни издан чиқаради. Ҳамюртларимиз ҳаётида уч- райдиган баъзи муаммолар мени ҳами- ша уйлантиради. Йигит хонадондагилар қизга совчиликка борганда «қўлчиликка келдик» дейишадими, келинни уйига олиб борган, кўпчилик қайноналар бер- ган ваъдасини унутиб, келинга худди хизматкор каби муомалада бўлишадди. Ахир келин ҳам бировнинг азиз фарзан- ди. Қолаверса, оила истиқболли. Турму- шимизда рўй бераётган оилавий ажра- лишлар сабаби қайнона-келининг ўзаро муносабатлардаги чалқашликларга бо- риш тақаллади.

Минг афсуски, орамизда «Шу қиз ҳам

бировнинг фарзанди, вақтида уқлаб вақ- тида овқатланса ҳомилдорлиги яхши ке- чади, боласи соғлом туғилади» деган фикрни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган қайноналар бор. Қачонки қайнона уйдаги ҳар бир муаммонни босқич билан ҳал этиб, келинни эъозлаб, унга яхши сўз билан йўл-йўриқ кўрсатсагина оила муста- тақам бўлади. Буни биз аёллар ҳаммиша ёдда тутишимиз керак. Оилани маънавий табиғига айлантириш аёлнинг қўлида. Бека хўшёр ва ва сезгир бўлмаса, оила- га ташқи муҳитдан балолар ёғилаверади.

МУХБИР: — Бундай гўзал қадрият- ларимиз устун турли ёт таъсирлар оқибатида дарз кетаётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам ёш оилалар ўртасида ажралишлар кўпаймоқда. Яна бир янги ҳолат, бу ёшларимизнинг оила ва никоҳ масъулиятини чуқур англаб ет- масдан турмуш қураётганлигидир.

### Малика ШУКУРОВА, Қарши шаҳар ФХДБ бўлими мурдаси вазифасини бажарувчи:

— Сир эмас, қачонки никоҳланувчи ёшлар соғлом бўлса, улардан тўрт му- часи соғ зурриёб дунёга келади, оилани мустақамлиги таъминланади. Шунинг эътибор олиб маҳалларда, касб-хўнар коллежларида қатор учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилаётди.

Жойларда бўлганимизда мамлакатимиз- да она ва бола саломатлигини муҳофиза этишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжат- лар ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Сўхбатларнинг қизгин, жонли руҳда ўтиши учун ҳамкор ташкилотлардан ва- киллар иштирок этиб, қизиқтирган савол- ларига жавоб беришди. Мавзуларимиз хилма-хил. Масалан, тиббиёт муассаса- си ходимлари қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, тур- ма ва ирсий касалликларни барвақт аниқ- лашда скрининг текширувларининг аҳамияти ҳақида атрофликча гапиришди.

ФХДБ оргнларни қўшида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулотларига катта ҳаётий таъриба- га эга кексаларни жалб этиб, уларнинг ибратли умр сабоқларидан ҳикоялар эшитамиз.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тар- зини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш ва касалликларнинг олдини олишда, оила мустақамлигини таъминла- шда нафақат ФХДБ ходими ёки ма- ҳалла маслаҳатчиси ёхуд тиббий мута- хассислар, балки ҳар бир онгли шахс масъул эканини унутмас, фуқаролари- миз берилган тавсияларга тўла риоя қилса, бундан оила меъморлари ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам ютади.

МУХБИР: — Глобаллашув жараёнида юртимизга турли ёт гоғларнинг кириб келаётгани сир эмас. Ёшларни, айниқ- са, қизларимизни бу гоғлар таъсирига тушиб қолишдан асраш бугун ҳар бири- миз эътибор қаратишимиз керак бўлган масаладир.

### Муассар РАҲИМОВА, Хоразм вилоят касаб аюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар комиссияси раиси:

— Кейинги йилларда Ўзбекистон кас- аба аюшмалари Федерацияси Кенга- ши томонидан хотин-қизлар билан иш- лаш, улар манфаатини ҳимоя қилиш ма- саласига алоҳида эътибор қаратилмоқ- да. Шу мақсадда Федерация Хотин-қиз- лар кенгаши, тармоқ касаб аюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар хотин-қизлар комиссия- лари томонидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қорхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи хотин-қиз- ларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шар- оитлари яратилиши устидан жамоат- чилик назорати олиб боришмоқда. Ка- саба аюшмаларининг хотин-қизлар ке- наши вакиллари жамоа шартномалари

ни экспертизадан ўтказиш жараёнида уларга ишловчи аёллар учун қатор им- тиёзлар киритилишига эришиди. Шунинг- дек, меҳнат жамоаларида хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясининг таъ- минлишини, улар учун меҳнат ва дам олиш шароитининг яратилиши аҳоли мунтазам ўрганилиб, зарур ҳолларда иш берувчиларга аниқ тақлиф ва тавсия- лар киритилаётди.

Ўзбекистон касаб аюшмалари Феде- рацияси Кенгашининг «Соғлом она ва бола йили» дастурига асосан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ишловчи аёллар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш, касб-хўнар коллежлари бити- рувчилари, аввало қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда ором- гоҳларда дам олдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, республиканинг олис ва че- ка қишлоқ ҳудудларида яшаётган эҳтиёж- манд оилаларда яшаётган аёллардан 3 миң нафарини электр машиш техникаси бериш йўли билан рағбатлантириш, 560 нафарининг тарихий шаҳарларга са- ҳатларини уюштириш, 400 нафарининг санаторийларда бепул соғломлаштири- лиши режалаштирилган. Шунингдек, соғлом болани дунёга келтиришда, улар- га таълим ва тарбия беришда фидойил- лик кўрсатаётган 200 нафар тиббиёт, 200 нафар таълим ходимлари ҳамда фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 200 нафар иш- лайдиган аъзолари ҳам бепул дам олди- рилиб, соғломлаштирилади.

Тиббий кўмакка муҳтож, 280 нафар репродуктив ёшдаги аёллар ва 14 ёшга- ча бўлган болаларга ёрдамчи реабилитация воситалари, 140 нафар кўзи ожиз талаба-ўқувчиларга махсус аппаратлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига таъ- сил олаётган 300 нафар эҳтиёжманд, иктидорли талаба қизларга касаб аюш- маси стипендияси берилади.

Бу каби чора-тадбирлардан қўзлан- ган мақсад соғлом болани дунёга кел- тирувчи шахс — онанинг ижтимоий ҳимоясини қўлайитиришдир. Ёшларни юк- сак маънавиятга қилиб тарбиялашга ҳам кенгаш айрича эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада ёшлар билан иш- лаш комиссияси билан ҳамкорликда режа-тадбирлар белгиланган.

Қизларимизга қалта юбка кийма, ел- кангни очиб ойма, катталар ёнида са- қич чайнама, дея қуруқ танбех берган билан иш битмайди. Аввало, улар қал- биди миллий гурур ва ифтихор тўйгулар- ини шакллантиришимиз керак. Ана шунда қизларимиз ўзларига нима му- носиб эканини англаб етади. Биз қизларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, қадимий обидаларга са- ҳатлар уюштириш, ёши улуг, кўпни қўрган момоларимиз билан давра суҳ- батлари уюштириш орқали оқ-қорани ажратишга ўргатаямиз. «Эътироф», «Эъзоз», «Аёл — меҳр-муруват тимсо- ли», «Аёл — жамият таянчи» маданий тадбирлари, «Баркамолликка инти- либ...», «Ёшлик гулшани», «Она билан бола — гул билан лола», «Балли, қиз- лар», «Энг намунали оила» қўриқ-тан- ловларини ўтказишдан қўзланган мақ- садимиз ҳам қизлар маънавиятини юк- салтиришга қаратилгандир.

Аждодларимиз келин олаётганда қизнинг етти пуштини суриштирган, но- сли тоза, ибодли, зуқко қизни келинлик- ка тоналган. Қодимдан отанинг уйли- қорини, оналар қизларини ёнига олиб, хўнар ўргатишган. Ҳам қалбга ноқо, ҳам қўлга ноқил қилинган бу хилдаги миллий хўнарларимиз ўсим- ларнинг бўш вақтига мазмун бағишла- ган. Шу билан бирга уларни булар- бўлмас ноҳушлиқлардан асраган. Бу онанларимизда қатъи ҳаёт му- шоходаси яширинган. Ҳўши, иш, сонъ- от, хўнар, спорт билан банд бўлган бола жиноят йўлга қирмайди. Ўйла- диган яхши ўй, қўлидаги иш, машгу- лоти уни ёмонликдан асрайди. Бола, айниқса, қизлар тарбиясида отадан кўра онанинг ўйи муҳимроқдир. Ман- боларда эътироф этилишига, бола 80 фоиз тарбияни онасидан олоқкан.

Аждодларимизнинг қизларга берган таърифи эътибор беринг:

**Қизга гул илдизсан, Ўқимаш кундуисан, Унутмасин, жон қизим, Арслонинг ишсан.**

Ҳо, қизлар — нафокат ўз оиласи- нинг бахти, қомоли ва ор-номуси, балки миллатнинг қалажонидир. Уларнинг ҳар томонлама етук, хўнарли, ор-но- мусли бўлиб воғога етишларида на- фокат ота-она, тарбия муассасалари, бутун жамият, қолаверса, ҳар бири- миз масъулмиз. Қизларимиз доно, маъ- нан боржомли, жисмонан етук бўлса, бахтимиз зовол топмайди, илдинимизга бола темайди, аксинча, буюқ давлат бопта етишдек эгиз йўлимиз янада ра- вон, мақсадимиз бардавон, эртанимиз порлоқ, авлодларимиз соғлом бўлади. Зеро, қизлар — миллатнинг умид юл- дузлари, маънавиятимиз казинасидаги дуру гавҳорларидир.

Бу борада Сизнинг фикрингиз қан- дай, аёз мушторий? Мақтўбларингиз- ни кутамиз.

### Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» мухбири

## Реклама ва эълонлар

### Аукцион савдолари хабарномаси!

#### «KO'SHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Вихого filiali» Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қўйидаги аукцион савдоларига тақлиф этади

I. 2016 йил 29 март кунини соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти «Қишлоқхўжалигимиз» ҳудудий акциядорлик жамияти Қоракўл тумани филиалининг 19.02.2016 йилдаги 55-сонли бюртмасига асосан ташкил қилинадиган очик «Аукцион» савдоларига филиал ҳисобидаги қўйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибда қўйилмоқда: 1-ЛОТ Бошланғич баҳоси 1 520 000 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч, д/р 80/834 САА бўлган ГАЗ-53 Б СНГ русумли юк автотранспорт воситаси, 2-ЛОТ бошланғич баҳоси 1 500 000 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч, д/р 80/842 САА бўлган ЗИЛ-ММЗ 45021 СНГ русумли юк автотранспорт восита- си, 3-ЛОТ бошланғич баҳоси 800 000 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 80/844 САА бўлган ЗИЛ- 130 русумли юк автотранспорт воситаси, 4-ЛОТ бошланғич баҳоси 700 000 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч, д/р 2-ПТС русумли трактор тиркамаси, 5-ЛОТ бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 50-38 БГ бўлган МТЗ-80 русумли трактори, 6-ЛОТ бошланғич баҳоси 300 000 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч, ОВХ-600 русумли уқтуси, 7-ЛОТ бошланғич баҳоси 500 000 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч, ВП-1 уқтуси.

II. 2016 йил 29 март кунини соат 11:30 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти «Қишлоқхўжалигимиз» ҳудудий акциядорлик жамияти Когон тумани филиалининг 22.02.2016 йилдаги 31-сонли бюртмасига асосан ташкил қилинадиган очик «Аукцион» савдоларига филиал ҳисобидаги қўйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибда қўйилмоқда: 1-ЛОТ бошланғич баҳоси 650 000 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч, д/р 80/612 ВАА бўлган ВАЗ- 21060 русумли автотранспорт воситаси, 2-ЛОТ бошланғич баҳоси 510 000 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 80/610 ВАА бўлган ВАЗ-21065 русумли автотранспорт воситаси.

III. 2016 йил 29 март кунини соат 12:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро тумани Тиббиёт бирлашмасининг 17.02.2016 йилдаги 01/54-сонли бюртмасига асосан ташкил қилина- диган очик «Аукцион» савдоларига бирлашма ҳисобидаги бошланғич баҳоси 2 071 000 сўм бўлган, 1997 йилда и/ч, д/р 80/554 ЖАА бўлган ДАМАС русумли автотранспорт воситаси қўйил- моқда.

IV. 2016 йил 29 март кунини соат 12:30 да ташкил қилинадиган савдоларга Когон тумани Тиббиёт бирлашмасининг 18.02.2016 йилдаги 01/56-сонли бюртмасига асосан ташкил қилина- диган очик «Аукцион» савдоларига бирлашма ҳисобидаги бошланғич баҳоси 967 000 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 80/554 МАА бўлган ВАЗ-2121 русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

V. 2016 йил 29 март кунини соат 14:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли автотранспортнинг 17.02.2016 йилдаги 98- сонли бюртмасига асосан ташкил қилинадиган очик «Аукцион» савдоларига автотранспорт воситаси бўлган баҳоси 5 766 000 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч, д/р 80/846 ВАА бўлган ГАЗ-66 русумли юк автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

VI. 2016 йил 15 март кунини соат 12:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли автотранспортнинг 17.02.2016 йилдаги 111- сонли бюртмасига асосан ташкил қилинадиган тақрорий «Аукцион» савдоларига автотранспорт воситаси бўлган баҳоси 560 000 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч, д/р 80/016 ЕАА бўлган ГАЗ- 2413 русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

### Талаботлар диққатига.

2016 йил 29 март кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда тақрорий аукцион савдолари 2016 йил 5 апрел ва 12 апрел кунлари бўлиб ўтади. 2016 йил 15 март кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда тақрорий аукцион савдолари 2016 йил 22 март ва 29 март кунлари бўлиб ўтади.

Бюртмалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши санасидан бир кун қолган кунига қадар рас- мий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушиқ).

Аукцион савдосида қўйилган 10 кунлик муддат ичиди олди-сотиш шартномасини тузиш мажбурияти оқибатда. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддатли олди-сотиш шартно- масида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида бўлган талаботлар «Аукцион ташкилотчи»- билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулининг тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нуқсад, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, уст- тави нуқсад ва савдолар қатнашувчи ишончли вакоил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун рекавизитлар: «КО'SHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Вихого filiali» СТИР: 302523082, МФО: 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш билан Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000805028108002.

Бюртмаларимизнинг капитал таъмирлари: «Қишлоқхўжалигимиз» ҳудудий акциядорлик уюми манзил ва тел.номери: «Аукцион ташкилотчиси» — КО'SHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Вихого filiali. Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават), тел: (0-365) 221-559-54. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263.

### Хизматлар лицензияланган.

### Ташкилотлар ва қорхоналар диққатига!

#### Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ягона бюртмачи хизмат инжиниринг компанияси қўйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

1. Лот №34-1. Қашми туманидаги 95 ўринли №5-сонли мактабгача таълим му- ассасасини капитал таъмирлаш. Объектнинг бошланғич нархи қўйилган кўйимат со- лиги билан бирга — 599.938.282 сўм, қўйилган кўйимат солиғисиз — 499.948.568 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.

2. Лот №34-2. Нишот тумани Оқ Олтин МФЙдаги №11-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш. Объектнинг бошланғич нархи қўйилган кўйимат солиғи билан бирга — 347.297.930 сўм, қўйилган кўйимат солиғисиз — 289.414.942 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 5 ой.

3. Лот №34-3. Дехқонobod тумани Қарашина қўрғонига №2-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш. Объектнинг бошланғич нархи қўйилган кўйимат солиғи билан бирга — 422.829.847 сўм, қўйилган кўйимат солиғисиз — 352.358.206 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 5 ой.

4. Лот №34-4. Қарши тумани Қочқин қишлоғидаги №24-сонли мактабгача таъ- лим муассасасини капитал таъ

# Пок ниятлар ижобати

**(1).** Наврўзга катта қувонч, эзгу мақсадлар билан пешвоз чиқиш халқимизга хос фазилат. Яшариш ва янгилашни айёмини тобора обод бўлиб бораётган қишлоғи, маҳалласи, хонадониди кутиб олиш юртдошларимиз учун унутилмас қадриятдир. Ободлик, фаровонлик йўлида меҳнат қилаётган халқимиз бу саодатни яна ҳам тарах хис этади.

Бугун гўзал Фарғона ҳам кўклам ташвишлари билан банд. Қишлоқларнинг таровати ўзгача. Бешариқ туманида ҳам баҳорги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Қир-адирларга туташ Рапқон қишлоғи азалдан қантат ўриги билан машҳур. Бу ерда бекорчи кишини урғатмайди. Рапқонда баҳор тардуду бошқа ҳудудларга қараганда барвақт бошланади.

— Айни кунларда баҳорги юмушлар билан бирга, Наврўзи олам тадоригини ҳам бошлаб юбордик, — дейди "Рапқон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдумин Нурматов. — Кунлар илқ келаётганидан фойдаланиб, кўча четлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофи, томорқаларга ранг-баранг гуллар, манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Тозалаш-ободонлаштириш ишларида каттаоқчи ҳамжиҳат иштирок этаётди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куну ва Наврўз байрами олдидан турли маданий-маърифий тадбирлар, ҳашарлар ўтказилмоқда. Сумалак сайилларида қайвони моллар Яратнадан элу юрта омонлик, тўқинлик,

кут-барака сўрамоқда. Дошқозонларда Наврўз таоми пиширилмоқда. Ёш-яланг сумалак қовлаб, кўшиқ айтмоқда:

Лола гул алвон-алвон,  
Сумалак берар дармон.  
— Сумалак тайёрлаганда халқимиз шу кунларга етказганига шукрона келтириб, аввало, эл-юртга омонлик, экин-тикинга барака тилайди, — дейди Оминахон ая. — Худого шукр, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўқин, фарзандларимиз соғ-саломат. Эртанги кундан хотиржам, бунёдкорлик туйғуси, туй-томошалар орзуси билан яшаётган эл-юртимиз кўкламни шоду хуррамликда қарши олаётди.

Наврўз нафақат яшариш, гўзаллик фасли, балки она табиат заминга ризқ-рўз улашадиган саховатли палла ҳамдир. Айнан Наврўзда кўкламги юмушларига киришилиши ҳам бежиз эмас. Шу кун эзгу ниятлар билан ерга дон сепилиб, ниҳол экилган. Ариқ-зовурлар тозаланиб, боғроғларга шакл берилган. Куз хирмони қандай бўлиши баҳорда билинади, деган гап бор. Заминамиз саховати, бободеҳқон меҳнатининг баракаси Наврўзнинг қандай келиши билан боғлиқ.

Халқимиз жойларда бошланган шундай кўкламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари билан Соғлом она ва бола йили баҳорига қадам қўймоқда.

Наврўз табиатни, удулмари инсон руҳини янгилайди. Чунки бу байрам ҳеч қимни четлаб ўтмайди. Кўнглига қувонч солади, ҳаётга иштиёқини оширади. Бу



кунларни сева-сева ўзи ҳам катта муҳаббатнинг бир қисмига айланади. Обод ва фаровон ҳаёт сари дадил интилаётган юртдошларимизнинг қалби оппоқ орзуларга тўла. Зеро, Баҳор ва Наврўз ҳаёт абадийлигининг тантанасидир.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,  
Ўза мухбири

## Маданий тадбир



### Баҳор куйчиси

Республика болалар кутубхонасида Зулфия таваллудининг 101 йиллиги муносабати билан «Баҳор куйчиси» деб номланган адабий кеча ўтказилди.

Тадбирда шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилди. Дилбар шеърларидан намуналар ўқилди. Яшнобод туманидаги 244- ва 61-умумтаълим мактаблари ўқувчилари намойиш этган сахна кўринишлари қатнашчиларга манзур бўлди. Шунингдек, кутубхона бўйлаб қилинган сайр барчада катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

## Журналист ён дафтарида

Замоннинг шиддатли тус олиши нафақат турмуш тарзими, қон-қонимизга сингиб кетган баъзи одатларни ҳам ўзгартириб юборапти. Одий мисол: болалигимда онам нон ёнса (менга аталган кулча-нинг пишишини кутиб, доим тандир ёнида шумшайиб ўтирдим), ҳар сафар энг қизариб пишиганини қўлимга тутқазарди:



— Ўғлим, буни қўшига чиқариб бер. Иссиққина нонни икки ёнидан ушлаб, бошимга қўядим-да, чопиб кетардим. Қўшимиз ҳам раҳмат айтганча нонни олиб қоларди. Ҳозир-чи?!

У кун нон ёнаётган онамни кўриб, болалигимдаги ўша кунлар эсимга тушиб кетди. Ўйлаб қолдим: қизиқ, онам нега ҳозир қўшиникига нон олиб чиқмайди?! Шўхлигим тутди, тўғрироғи, нима бўларкин деб қизиқдим. Тандир бошига бордим, янги узилган нонлар орасидан энг яхши пишиганини саралай бошладим. Онам тандир ичига мўралаб, сўз қотди:

— Ҳа, ўғлим, очқиндими?  
— Йўқ, қўшимизга чиқариб келай...  
Онам худди гаройиб ҳодисага дуч келгандек ажабланди:  
— Тинчликми ўзи?!  
— Ҳа, тинчлик. Ўзим шундай... иссиқ нон...  
Индасдан нонни кўтариб қўшимизникига чиқдим:  
— Хола, хув, хола...  
Эшикдан ўша — болалигимда ҳар гал нон олиб чиққанымда юзимдан енгилгина чимчилаб, "Сени даданг ўриллардан олиб қолган. Шунинг учун исминг Руслан", дея ҳазиллашадиган қўшимиз кўринди:  
— Кел, Руслан...  
— Онам бериб юбордилар, иссиқ нон ёпгандилар, — аста нонни тутқаздим холага.

Аваллига менга ҳайронлик билан қараган Шоира холанинг юзида жилмайиш пайдо бўлди. "Раҳмат, раҳмат" деганча қўлимдан нонни олиб миннатдорлик билдирди. Оламшумул ишни дўндиргандек кўнглим тўлиб уйга қайтдим. Эртаси кун холанинг невараси остонамизда пайдо бўлди. Қўлида қип-қизариб пишган нон...

Руслан САБУРОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Удулларимиз



Сумалак пишириш учун қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳаллақўй биргалликда қозон осинади. Йигитлар ўчоқ қазиб, ўтин тайёрлайди. Аёллар энг шимариб, махсус ундирилган бугдойнинг сувини ажратиб олишади. Бу сувни сумалак суги дейишади.

# Сумалак — яхшилар оши

Масаллик қозонга тушгач, ўчоққа ўт ёқилади. Кайвони мома капирини қўлига олади. Номозшомда ёқилган олов туни бўйи ўчмайди. Аёлларнинг қўлидан капир тушмайди. Тонггача гурун давом этади. Матал, эртақ айтилади. Сахарга бориб, таом пишади.


Кумқўргонлик Зумрад момо Ҳайитова бошичилигида пиширилган сумалак ҳам ейиши чиқди. Момо ҳар кимнинг қўшган улушига қараб сумалак сузди. Сумалак ва иссиқ патир нонуш-тадан жой олди. Таом устидан эл-юрт аҳилигини сўраб дуо қилинди. Сергапгина қўшни қизча Наврўзой

момонинг ёнига келиб уни саволга тутуди:

— Сумалак бунчалар ширин, қозонга кўп шакар ташлабсиз-да, можомон.  
— Йўқ, болам, сумалакка шакар ташланмайди. Туз ҳам солинмайди. Унга ўз-ўзидан шундай таъм инади, — дейди момо.  
— Қандай қилиб? — сўрайди қизикувчан Наврўзой.  
— Сумалак — сеҳрли таом, — дейди момо.  
— Уни нега кечаси пиширасизлар? Уйқудан қилиб...  
— Удум-да бу, — дейди Зумрад момо қулиб. — Кечаси пиширилганда

## Реклама ўрнида

Юртдошларимизнинг дам олиши, давола-ниб, соғлиқларини тиклашида Ўзбекистон темир йўлларига қарашли «Сихатгоҳ» санаторий-профилакторийсининг муносиб ўрни бор. Унинг шимол-ий темир йўл вокзали ва Тошкент аэропортига яқинлиги таширф буюрувчиларга ҳам маълум маънода қулайлик туғдиради.



# Бўлай десангиз бардам «Сихатгоҳ»да олинг дам

Сихатгоҳ 1988 йилда очилган. Дастлаб бу ерда соҳа меҳнатқашлари соғломлаштирилган. Кейинчалик давр талабларига мос равишда ўзгариб, янги-дан чирой очиб, ҳар жиҳатдан такомиллашди. Ҳозир бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Даволаниш муолажалари хилма-хил, ўта самарадор. Утган йиллар мобайнида сихатгоҳ йилгига 600-700 нафар даволанувчини қабул қилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилга келиб ўсди, биргина январ ойи сихатгоҳда 281 нафар ҳамюртимиз соғлиги тикланди.

— Бизда юрак, асаб тизи-



ми, ошқозон-ичак, нафас йўли органлари, бўғим ва умумий касалликлар, гинекологик ва урологик касалликлар самарали даволанади, — дейди олий тоифали шифокор Нилуфар Саидумарова. — Беморлар физиотерапия

хонасида барча турдаги электр муолажаларини олишади. Ҳаракат органлари безовта қиладиганларга магнит аппарати ёрдамида даволаш усуллари қўланади. Улар, шунингдек, сув муолажалари (айланма ва сачратма душ, дорировати ванна, гидромассаж), игна билан даволаш, сауна, уқалаш, кўпикли кислород ҳамда гиёҳли давлалар ёрдамида даволаш, парафин каби муолажаларини ҳам олишади. Замонавий уқалаш креслолари ҳам беморлар хизматиди. Сихатгоҳда эрталабки даволаш машқларига алоҳида эътибор қаратилади. Эмлаш хонасида дори-дармонлар билан даволаш учун барча шарт-шароит бор. Игна билан даволовчи шифокоримиз Леонид Пак 20 йилдан буён шу ерда ишлайди.

Сихатгоҳда 15 та тиббиёт ходими меҳнат қилади. Шифо масканида кўпчиликни қувонтирадиган яна бир ноёб муолажа борлигини айтиб ўтайлик. У тузона (туздан қилинган хона) бўлиб, айниқса, бронхит-астма, аллергияси бор беморларнинг шифо топишида жуда асқотмоқда.

Шахло ДАМИНОВА

## «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли «СИХАТГОҲ» санаторий-профилакторийсининг бир кунлик нархлари:

Стандарт хона — 50 478 сўм; (45 889 сўм);  
Ярим люкс хона — 50 684 сўм; (46 076 сўм);  
Люкс хона — 54 665 сўм; (49 695 сўм).

Эслатма: қавс ичидagi нархлар темир йўлчилар учун.

Телефонлар: (0-371)299-05-77(4-55-77); 299-07-18; 299-03-24(4-53-24) Факс: 299-06-90 (4-56-90). (Қавс ичидagi телефонлар темир йўлники). Электрон манзил: sikhatgokh@mail.ru. ОК.

«Сихатгоҳ»да жойлар олдидан банд қилиб қўйилади. Тўлов нақд пул, пластик карточка ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 28-А ўй.  
Мўлжал: Озарбайжон Маданият маркази бекати.

Хизматлар лицензияга эга.

## Реклама ва эълонлар

Мулчилик шаклидан қатий назар, барча қурилиш ташиқлотлари ва кичик бизнес субъектлари дўқатига!

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «Ягона буюртмачи Хизмати» инжиниринг компанияси ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: ЛОТ-5

ЛОТ-5. «Фарғона вилоти, Бешариқ туманидаги 12-сонли мактабни мукамал таъмирлаш» Бешариқ тумани. 1 023 094 695 сўм ҚҚС билан; 860 912 246 сўм ҚҚС сиз.

Муддат: 01.08.2016 йил.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37 ўй, тел. (0 595) -401-52-05.401-52-01. Қурилиш-монтаж ишлари: Умумтаълим мактаблари, касб-ўқунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқир жамғираси маблалари жиҳобидан молиялаштирилади.

Капитал таъмирлаш объектлари бўйича кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 100%.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташиқлотлари иштирок этади. Талабдор сифатида иштирок этаётган ташиқлот ва корхоналар қўйиладиган шартларга мос келишлари керак:

Ўқувчи объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга)

ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, яъни кўчи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташиқлотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйиладиган нарх преференциялари эътиборга олинади: кўнч ҳужжатларга мувофиқ, импорт қилувчилар қўшиган қий-мат солиқидан овоз қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда қўриб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташиқлотини «Фарғона вилот қурилиш ва таъмирлаш» савдо ташиқлотчилиги билан шикланштириш ҳудудий консалтинг марказига қўйиладиган маълум бўйича ироқат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36 ўй. Телефон/факс: (0-373) 244-68-90, 999-98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпанининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташиқлотчилиги томонидан хожоридида маъноли оферталарни очиб кўчи ва вақтга қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин (кўчи ва вақтга қабул қилинади), Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36 ўй маънолида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шикланштириш Қашқадарё вилот ҳудудий консалтинг маркази Қашқадарё вилот ЯЕХ Инжиниринг компанияси буюртмачилигида «Ishonch» газетасининг 2016 йил 20 февралдаги № 22 (3683) сонда чоп этилган эълон бекор қилинганлигини маълум қилади. Хизматлар лицензияланган.

**MUASSIS:**

**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

2007-йil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan to'xyatiga olingan.

**Bosh muharrir:** Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:** Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

**BO'LIMLAR:** Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Ma'ruq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUUDUPLARDAGI MUXBIRLAR:**

**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32  
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60  
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81  
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44  
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77  
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87  
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55  
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99  
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70  
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00  
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharriri:** A.Toshev

**Navbatchi:** R.Mahkamova  
**Musahhh:** S.Shodiyeva  
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.**

**Korxonama manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma T — 215,  
21870 nusxada bosiladi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshqacha topshirish vaqti — 21:00  
Topshirildi — 21:30

1 2 3 4 6